

Кеч кириб, кош кораяётган пайт эди. Мехмоним ва дўстим Хайнрих Мор кечки сайдан кайтиб келиб, иш хонамда камина билан бирга ўтиради. Ўйдим-Чукур деразадан олисдаги киргоклар кўл гира-шира кўриниб туради. Кичик ўглим бизга хайрли тун тилаб кетди-ю, сухбатимиз беихтиёр болалик ва у билан bogлик хотираларга кўчди.

– Фарзандли бўлганимдан бери, – гап бошладим мен, – болалик давримдаги баъзи бир ишкибозликлар яна кўзий бошлади. Хатто капалак йига бошлаганимга хам кариб бир йил бўлиб колди. Капалакларимни кўрасанми?

У “ха” деди ва мен енгилгина когоz кутиларимдан икки-учтасини олиб келгани кетдим. Олиб келиб, кутиларимдан биринчисини очганимда, аввалига унинг ичи корайиб кетганини сездик; канотлари тик капалаклар эса бир-бирини ажратиб бўлмайдиган холда эди.

Чирокни ёккани гугурт чаккандим, бирдан ташкаридаги манзара аллакаёкка гойиб бўлди, деразани тунги кўкимтири зимиston чулгаб олди. Энди капалакларим чирок ёргугда кути ичидаги ажойиб бир тарзда яраклаб кетди. Биз кутичага энганиб, чиройли, ранг-баранг капалакларни томоша килиб, уларнинг номларини атай бошладик.

– Мана бу сарик рангли тасма капалак, – дедим мен унга, – лотинча номи “fulminea” деб аталади, бу ерларда кам учрайди.

Хайнрих Мор кутидаги капалаклардан бирини игнаси билан олди-да, унинг канотлари остига синчилаб разм сола бошлади.

– Кизик, – деди у, – капалакларни кўришим билан болалик хотираларим бу кадар аник ёдга тушади деб сира ўйламовдим.

У капалакни яна ўз жойига кадаб кўяркан, кутича копкогини ёпиб, “Бас, етар!” деди. Бу гапни у тўсатдан ва шу кадар тез айтди, назаримда ушбу хотираларни эслаш унга ёкмаётгандек туюлди. Кутичани жойига элтиб кўйиб, кайтиб келганимда унинг энсиз, корамтири чехрасида табассум пайдо бўлганди. У мендан сигарета сўради.

– Капалакларингни яхшилаб кўрмаганимга мендан хафа бўлма, – деди у.

– Болалигимда менинг хам худди шунака тўпламим бор эди, лекин афсуски, у билан bogлик хотиррага менинг ўзим нукта кўйганман. Бу воеани эслаш камина учун уят бўлса хам, уни сенга айтиб бермокчиман.

У сигаретани чирок шишиаси устига тутиб ёндириди, чирокнинг яшил калпокчасини ёпиб кўйди, юз-кўзларимизни коронгилик коплади, у очик турган дераза рахига чўнкайди.

Энди унинг озгин, келишган жуссаси зимиston ичидаги кўринмай колди. Камина сигарета тутатдим, ташкарида, узокда курбакаларнинг вакир-вакир овозлари тунни тутиб кетди, дўстим эса хикоясини сўзлай бошлади.

* * *

Капалак йигишини саккиз ё тўккиз ёшларимда бошлаганман. Даставвал бунга ўта берилиб эмас, балки шунчаки бошка ўйинлар ва кизикишларим катори караганман. Аммо иккинчи ёзда, ўшанда камина ўн ёшлар атрофида эдим, ушбу кизикишим мени бутунлай ўзига ром этиб, шунаканги ишкибозликка айландик, буни менга бир неча марта такиклаб кўйишларига хам тўгри келганди, чунки капалакдан бошка хамма нарсани унутиб юборгандим. Капалак тутаётганимда шундай берилиб кетардимки, хатто минорадаги соатнинг бонг уриши хам кулогимга кирмасди, бундай хол мактабга

бораётганимда ёки тушлик вактида, шунингдек, таътил пайтларида хам тез-тез бўлиб туради, кўпинча овкатлангани уйга хам келмасдан, эрталабдан то шомга кадар уйдан олиб чикканим бир бурда нон билан каноатланиб юраверардим.

Хозир хам баъзан фавкулодда чиройли капалакка кўзим тушиб колгудек бўлса, ўша ишкибозлигим тутиб колади. Шунда камина яна болаларга хос кандайдир номаълум, ўтли завқ-шавқ чулгаб олади. Болалигимда илк марта маҳаон (кора хол-хол катта сарик капалак)ни тутган пайтимда ана шундай кувонгандим. Шундан кейин, болалик чоғларимда тушдан кейинги жазирама иссикларда курук ховурли дала-ю ўтлокларда, эрталабки салкин боғларда ёки кечки сирли ўрмон этакларида худди хазина изловчига ўхшаб, дакика сайин ажойиб тасодифларга, кутилмаган ходисаларга ва омадга умид боғлаб, кўлда тўр билан пайт пойлаб юрган адоксиз дамларим бирин-кетин ёдга тушади. Ўшандай дамларда чиройли бир капалак, майли жуда ноёб бўлмаса хам, гул бандига кўниб, куёшда товланиб, ранг-баранг канотларини бирма-бир ёзиб-йигиб турганини кўриб колсам борми, кувончдан энтикиб, нафасим бўгзимга тикилади, унга якинрок бориб, канотларидаги тип-тиник томирчаларни, ялтирок ранг-баранг доголарини, тумшукласидаги хар бир нафис тукни томоша килиш менга шунаканги зўр, ёкимли кувонч багишлардики, каминага бундай гўзал туйгуни хис этиш кейинги хаётимда хам насиб этмаса керак.

Капалакларимни оддий эски кутида саклардим, чунки ота-онам камбагал бўлганликлари сабабли менга киммат нарсаларни совга килолмас эдилар. Кути ичига игналарни кадаб кўйиш учун шиша тикинидан кесиб-кесиб олинган пўкак парракларни елимлаб чиккандим, бойлигимни кутининг ана шу майда-майда картон копкокчалари орасида асраб-авайлар эдим. Аввалига уни ўртокларимга бажонидил ва тез-тез кўрсатиб турадим, бирок бошқаларнинг ойнаванд копкокли ёгоч кутилари, капалак куртга мўлжалланган яшил дока копламали ва ундан хам зўр кутилар бор эди, шу сабабданми, мен ўзим ясаган оддийгина жихозим билан улар олдида мактана олмас эдим. Бунга унчалик эхтиёж хам сезмасдим, шу тарика бинойидек ва хатто койилмаком ўлжа тутганимда хам, буни хеч кимга айтмасдан сир саклашга, факат сингилларимгагина кўрсатишга одатлангандим. Кунларнинг бирида бизда кам учрайдиган кўк рангли капалак тутиб олдим, канотларини таранг тортиб, куритгач, уни хеч бўлмаса кўшниларимизга, ховлининг нариги тарафида яшайдиган муаллимнинг ўглига кўрсатиб, мактангим келди. Бу боланинг айби, нихоятда пухта иш киларди, бу хусусият баъзи болаларда айникса кучли бўлади. Унинг хам арзимаган капалаклар тўплами бўлиб, уни жуда эхтиёт килиб саклар, шу боис уни хазина дейиш мумкин эди. У хатто капалакларнинг синган ва шикастланган канотларини хам елимлаб, кайта тиклай олишдек ноёб ва кийин хунарнинг хадисини олганди. Тўгриси хар жихатдан кобил бола бўлганидан унга хасад аралаш хавас билан каардим.

Ана шу кобил болага товланадиган рангин капалагимни кўрсатдим. У уни омилкор мутахассис сингари синчилаб кўздан кечирди, унинг ноёблигини эътироф этди ва унга салкам йигирма пфенниг* нарх белгилади; Эмил чиндан хам тўпламга тааллукли барчи ашёларни, айникса, почта маркалари хамда капалакларни кийматини чамалаб, баҳолай биларди. Бирок, шундан сўнг у товланадиган кўк рангли капалакларни танкид кила бошлиди, унингча, капалакларнинг канотлари таранг тортилмаган, ўнг муртчаси букилган, чап муртчаси эса тиккайган эмиш, шу аснода у яна бир камчиликни тўгри топди, яъни капалакнинг иккала оёги хам йўқ эди. Менимча, булар унчалик катта нуксонлар эмас эди, лекин шундай бўлса хам, манови инжик менинг кувончимга оз

бўлса-да, путур етказиб бўлганди, шундан сўнг капалакларимни унга кўрсатмайдиган бўлдим.

Орадан икки йил ўтди, биз энди кап-катта ўсмир болалар бўлсак-да, лекин менинг капалаклар тутишга бўлган иштиёким хамон авжида эди. Бир куни ўша Эмил тунги катта чипор капалак тутиби деган миш-миш таркалди. Бу гап мени бугун бир ўртогимнинг бир миллион меросга эга бўлгани ёки Ливиуснинг йўколган китобларини топиб олгани хакидаги хабардан хам кўра кучлирок хаяжонга солди. Тунги чипор капалакни бизлардан хали хеч ким тутолмаган эди, мен уни ўзимдаги капалаклар хакидаги эски китобга солинган расмдангина билардим, ундаги мисдан ишланган накшин гравюра менга баъзи замонавий ранг-баранг босма нашрлардан хам кўра гўзалрок ва пухтарок туюларди. Номларини ўзим биладиган ва хали кутичамдан жой олмаган барча капалаклар ичида тунги чипор капалакни кидириб топишга бўлган иштиёким нихоятда кучли эди. Шу боис унинг китобимдаги суратини тез-тез томоша килиб турардим. Бир ўртогим менга у хақда шундай деганди: “Агар дараҳт танасида ёки кояда кўниб турган жигарранг капалакка бирон куш ё парранда ёки бошқа бир ганими хамла килмокчи бўлса борми, у дархол олдинги корамтири канотларини ёзиб юбориб, чиройли орка канотларини кўрсатар, шунда улардаги катта тиник кўзлар ногахон галати кўриниб кетаркан, бундан чўчиган куш эса капалакни холи кўяркан”.

Шундай ажойиб капалакка келиб-келиб ўша мижгов Эмил эга чикиб ўтиrsa-я! Буни эшитиб, аввалига суюндим, мана, нихоят, ноёб капалак хам кўрарканман, деб кизикишим баттар ортди. Кейин эса, шундай сирли ва ноёб капалакни мана шу мижговнинг кўлига тушса-я, деб беихтиёр алам кила бошлади. Нихоят, ўзимни босдим ва уникига боришни хам, тутган капалагини томоша килиб ўтиришни хам ўзимга эп кўрмадим. Бирок ана шу воеа сира хаёлимдан кетмади ва эртаси куни мактабда ўша миш-миш тасдиклангандан сўнг, боришга катъий карор килдим.

Тушликдан сўнг уйдан чикишнинг имкони бўлди дегунча ховлидан чопиб ўтиб, кўшни уйнинг тўртинчи каватига кўтарилидим, у ерда хизматкор кизларнинг хоналари ва тахта деворлар бўлиб, уларнинг ёнидаги мен хавас киладиган мўъжазгина хонада муаллимнинг ўгли ёлгиз ўзи яшарди. Йўлда бораётган хеч кимни учратмадим, юкорига чикиб хона эшигини такиллатгандим, хеч кандай жавоб бўлмади. Эмил уйда йўқ эди, туткични босгандим, эшик очилди, одатда уни ўзи йўклигига эринмай махкамлаб беркитиб юради. Ичкарига кириб, хеч бўлмаса капалакни кўрай деб, дархол таранг тортиб кўйиладиган токчада бўлиши мумкинлиги хаёлимга келгунга кадар уни бехуда кидирдим. Хакикатдан хам мен уни ўша ердан топдим: жигарранг канотлари энсиз когоз тилимчалари билан таранг килиб тортиб кўйилган тунги катта чипор капалак токчада осиглик турарди, унга томон энгашиб, унинг тук босган оч жигарранг муртларини, хушбичим ва нафис рангин канотларининг четларини, куйи канотлари остидаги, четидаги нозик тукларини, барчасини шундок якиндан туриб томоша килдим. Факатгина кўзларини кўролмадим, чунки уларни когозчалар тўсиб турганди.

Юрагим дукиллаб, васвасага тушдим, когозларни шартта олиб ташладим-да, нина-тўғнагични сугуриб олдим. Тўртта катта-катта кўз менга караб турар, улар расмдагидан чиройлирок ва ажойиброк эди, уларга караб турарканман, шу тобда мени гўзал капалакни кўлга киритишга бўлган шунаканги кучли иштиёк чулгаб олгандики, ўйлаб хам ўтирмасдан, хаётимда биринчи марта ўгриликка кўл урдим, аллакачон куриб котган ва шакл-шамойилини йўкотмаган капалакни игна-пигнаси билан аста сугуриб олиб, кафтимда кўтариб хонадан олиб кочиб кетдим. Шу онда мен фавкулодда зўр

коникиш туйгусидан бўлак хеч нимани хис этмас эдим.

Капалакни ўнг кўлимда яширганимча, зинадан туша бошладим. Шунда пастдан кимнингдир менга томон келаётгани эшитилди, бирдан виждоним кийналаётганини, ўғирлик килиб кўйганимни ва ўзимнинг ярамас бола эканлигимни англадим. Айни пайтда азбаройи сирим фош бўлиб колишидан кўркканимдан савки табиий равишда ўлжани тутиб турган кўлимни нимчам чўнтағига солдим-да, аста йўлимда давом этдим. Менга караб келаётган оксоқ киз ёнидан кўрка-писа, аблахлик ва шармандаликдан елкамни кисиб ўтиб, уйимиз эшиги олдида туриб колдим. Юрагим хамон дук-дук урап, пешонам терлаб кетган, ўз-ўзимдан дахшатга тушиб, нима килишимни хам билмасдим.

Нихоят, капалакни ортик ушлаб туролмаслигимни, бунга хакким хам йўклигини ва уни жойига кайтариб олиб бориб, хеч нарса бўлмагандек килиб кўйишим кераклигини тушуниб етдим. Шундан кейин йўлда кетатуриб, бирон кимсани учратиб колишдан ва сирим фош бўлишидан хам кўркмасдан, тез ортимга бурилдим, зинадан югуриб чикиб, бир дакикадан сўнг яна Эмилнинг хонасида пайдо бўлдим. Кўлимни авайлаб чўнтағимдан чикардим-да, капалакни стол устига кўйдим. Унга бир кур назар ташлаб улгурмаёк, фалокат содир бўлганини кўриб, сал бўлмаса хўнграб юбораёздим, чунки тунги чипор капалак бутунлай дабдала бўлган эди. Унинг ўнг олд каноти ва ўнг мурти йўқ эди, шунда синган канотни эҳтиёткорлик билан чўнтағимдан олмокчи бўлган эдим, у хам титилиб кетди, энди уни ямаб бойлашнинг сира иложи йўқ эди.

Шу топда мени ўгриликка кўл урганим хакидаги ўйдан хам кўра ўзим аброр килган ана шу гўзал ва ноёб капалак нигохи кўпроқ кийнарди. Бармокларимга харир жигарранг канот чанглари ёпишиб колган, синган канот хам шу ерда эди, мен шу онда уни кайтадан бутлаш учун бор мол-мулким ва хар кандай кувончимни курбон беришга хам тайёр эдим. Хафа бўлиб уйга бордим ва тушдан сўнгги бутун вактимни ўзимизнинг мўъжазгина бодимизда ўтказдим, кеч тушганидагина юрак ютиб, онамга хаммасини айтиб беришга журъат этдим. Онам кўркиб кетди ва хомуш бўлиб колди, бирок айбимга икрор бўлишимнинг ўзиёк менга хар кандай жазога мустахик бўлишимдан кўра кимматга тушганини дилдан хис этиб турарди, чоги.

– Сен Эмилнинг олдига бор ва ўзинг унга хаммасини айтиб бер, – деди онамnihоят, катъий охангда. – бу сен учун бирдан-бир ва ягона имконият, токи бу ишни килмас экансан, мен сени кечира олмайман. Унга айт, нарсаларингдан ўринма-ўрин ўзига ёкканини танлаб олсин, ва албатта, ундан кечирим сўрашни хам унутма.

Бу иш ўша намунали боладан бошка хар кандай ўртогимда осонрок кечиши мумкин эди. Унинг мени тушунмаслигини ва эҳтимол, менга умуман ишонмаслигини хам олдиндан хис килиб турардим. Кеч кириб, коронги тушай деб колган бўлса хам, у ерга кандай килиб боришни билмасдим. Пастда, дахлизда онам учраб колиб, яна уктириб секингина деди: “Унга шу бугунок бориб айтишинг керак, хозирок бор!”

Нихоят, бордим хам, пастки каватдан Эмилни сўрадим, у келди ва бирданига кимдир унинг тунги чипор капалагини расво килганини сўйлай кетди, у бу ишни ким килганини, биронта ёмон болами ё күш-муш ёки мушукми, билмас эди. Шунда мен билан бирга юкорига чикиб, менга ўша капалакни кўрсатишни илтимос килдим. У билан бирга юкори каватга чикдик, ўша хона эшигини очиб, шамни ёқдик, токчада дабдаласи чиккан капалак ётарди. Унинг капалакни кайтадан тиклаш устида ишлагани кўриниб турарди, синган канот авайлаб ёйилган ва момик когоz устига кўйиб кўйилган, лекин уни кайта тузатиб бўлмасди, чунки энди капалакнинг мурти йўқ эди – у йўколганди.

Нихоят, унга бу ишни мён килганимни айтиб, хаммасини гапириб тушунтиришга харакат

килдим. Шунда Эмил аччиғи чикиб, бакириш ўрнига, тишлари орасидан секингина хуштак чалиб менга узок тикилиб тургач, деди: “Шунаками, демак, хали шунакаман дегин...”

Мен унга барча ўйинчокларимни таклиф килдим, у ховуридан тушган бўлса-да, менга хамон нафрат билан караб турарди, шунда унга бутун капалакларимни таклиф килиб кўрдим. Аммо у менга:

– Катта рахмат, сенинг капалакларингни биламан. Колаверса, капалакларга кандай муносабатда бўлишинг хам бугун аён бўлди.

Рости унинг гирибонидан олишимга бир баҳя колди. Энди хеч нарса килиб бўлмасди, мен аблах, ярамас одам эдим ва шундайligимча колгандим, Эмил эса менинг олдимда худди дунёдаadolat ва тартиб рамзидек совук ва нафратомуз киёфада турарди. У мени хатто койимади хам, факат менга караб турар ва мендан нафратланарди.

Шунда мен, агар бир марта хато килдингми, уни кайта тузатиб бўлмаслигига илк бор гувоҳ бўлдим. Уйга кетдим, онам сўраб-суринтириш ўрнига юзимдан ўпиб, индамай кўяколганидан хурсанд эдим. Вакт алламахал бўлиб колган, ётиб ухлашим лозим эди. Лекин аввал ошхонадан яширинча катта жигарранг кутини олиб чиқдим, уни каравот устига кўйиб, коронгида очдим. Кейин капалакларимни бирма-бир кўлимга олдим-да, бирин-кетин бармокларим орасида чангини чикариб эзгилаб ташладим.

Олмон тилидан Мирзаали Акбаров таржималари

* П ф е н н и г – чака, олмон маркасининг юздан бири.